

## ШАРТНОМА № 08

«21»июнь 2022 йил

Тошкент шаҳри.

ХК «GRAFIMEX», бундан буён «Иш бажарувчи» деб аталувчи, раҳбари Абдумажитов Х. С., Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва Атродфшудй ва тиблати муздор жини бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, раҳбари Пуреев С.С., Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан куйидагилар тугрисида шартнома тузадилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1 «Иш бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан буюртма килинган иш хажмини бажариб беради, «Буюртмачи» эса иш хажми буйича бажарилган (хизматлар) ишларини кабул килиб, мазкур шартнома шартлари асосида туловларни амалга оширади.

	(хизмат)лар номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Нархи ҚҚС 15%	Умумий суммаси ҚҚС билан
1	“Ekologiya xabarnomasi – Экологический вестник” axborot-tahliliy va ilmiy-amaliy jurnalini chop etish	дона	200	65 200	74 980	14 996 000
	Жами					14 996 000,00

### 2. Бажариладиган иш хажмининг нархи ва умумий киймати

2.1 Бажариладиган иш хажмининг умумий киймати Республикамиз миллий валютаси сумда белгиланади.

2.2 Шартнома умумий суммаси 14 996 000 (Ўн тўрт миллион тўққиз юз тўқсон олти минг сўм 00 тийин) сумни ташкил килади. ҚҚС: 1 956 000 (Бир миллион тўққиз юз эллик олти минг сум 00 тийин) ташкил килади.

2.3 Бажариладиган ишнинг киймати, нарх ошганлиги натижасида узгарганда, «Буюртмачи»га олдиндан хабардор килиб, узгарган нархини асослаган холда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча туловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида шартномага қўшимча келишувлар тузилиши асосида амалга оширади.

### 3. Тулов шартлари

3.1 Буюртмачи шартнома тулик кийматининг 30%и микдорда 10 банк кунда «Иш бажарувчи»нинг махсус ҳисоб рақамига (сумда) олдиндан туловни амалга оширади.

3.2 Тулик хизматлар (ишлар) бажарилгандан сунг бажарилган ишлар далолатномаси (ҳисоб фактура) асосида 10 банк кунда қолган 70% тулов «Иш бажарувчи»нинг махсус ҳисоб рақамига утказиб берилади.

3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган иш хажмини бажармасликга ҳақли булади.

3.4 «Буюртмачи» туловларни бажарилган иш (курсатилган хизмат, акт далалатномаси, ҳисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чикмаган холда амалга оширилади.

### 4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чикмаган холда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган ишларни тўлиқ бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига утказилгандан сунг 5 банк иш кунда шартномада курсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3 Бажариладиган иш хажми шартноманинг умумий суммасидан ошса «Буюртмачи» ва «Иш бажарувчи» томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида бюджет маблағлари доирасида узгартириш киритиши ёки бекор қилиниши мумкин.

4.4. Шартномада курсатилган иш хажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сунг иш тулик бажарилган ҳисобланади.

### 5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 «Иш бажарувчи» мажбуриятлари:

- Олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг, шартномада курсатилган иш хажмини бажаришни бошлайди.
- «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.
- Иш жараёнида «Буюртмачи» аниқланган камчиликларни уз вақтида бартараф этиб боради.

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

- Бажарилган иш хажмини кабул килиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон куздан кечиради ва унинг сифатига яроқлилигига эътибор беради;
- Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз булса, «Буюртмачи» кабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тулик, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли булади.
- Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан тулик кабул килиб олингандан сунг «Иш бажарувчи»га шартномада курсатилган сумманинг қолган қисмини тулик утказиб бериши шарт.

## 6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада курсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонунининг асосан 25-32 бандлари бўйича жавобгар буладилар.

6.2. Туловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% микдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган микдорда пеня тулайди.

6.3. Шартномада курсатилган иш ҳажмини уз вақтида бажарилишини кечиктирилганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% микдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган микдорда пеня тулайди.

6.4. Бажарилган иш ҳажми «Буюртмачи» томонидан қабул қилингандан кейин икки томоннинг келишувига биноан \_\_\_ ой муддатга жавобгарлик «Иш бажарувчи» томонида қолади.

6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама узгартириш киритишга йул қуйилмайди.

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар уртасада шартномани тузишда, бажарилишида, узгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда муроасага келинмаганда Иқтисодий Суд орқали ҳал қилинади.

## 8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши қуриш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни тақлиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора я'ни ҳодими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахннинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкый наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йул қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

8.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва қушимчалар қонуний кучига эга булади. Узгариш ва қушимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос булади.

8.4. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

## 9. Форс- мажор

9.1 Агар шартнома тузилгандан сунг икки томон уз мажбуриятларини гайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тула ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

## 10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Мазкур шартнома Газначилик булимида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва «31» декабр 2022 йилгача амалда булади.

10.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг кучга эга бўлиб банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос булади.

## 11. Томонларнинг юридик манзили

«Иш бажарувчи»

НОМИ ХК «GRAFIMEX»

МАНЗИЛ Тошкент ш. Чилонзор тум.

Чўпонота кўчаси 28-А

Х\Р 2020 8000 6007 0803 4001

ИНН 304 526 797 ОКОНХ 17 230

Б\К 01041

Банк НОМИ АКБ «InFinBank» АТБ

РАХБАР

(имзо)



«Буюртмачи»

НОМИ *Атмор-муҳиб ва Табиатни муҳофа*  
*за қилиш техналогийлари Илмий таълим институти*

МАНЗИЛ *Ташкент ш. Чилонзор тум.*

*Чўпонота кўчаси 28-А*

Х\Р *4001 1086262 944055300144001*

ИНН *305012989* ОКОНХ *721900630* Б\К:

*010 23702000 3001 0000 7070*  
Банк НОМИ *Умаров ва Шайхон* Ман. Ғу. Р. Ҷ. ВРК ҒУ Ҷ

РАХБАР

(имзо)

*Буриев С.С.*  
(Ф.И.О.)



*Ҳуқуқат Ш.У. Мағиев Ҷ*



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"GRAFIMEX" Xususiy korxonaga

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"GRAFIMEX" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

11.01.2017

008437-01

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

304526797

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Xususiy korxonaga

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чупонота кўчаси, Уй 28а,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



②-18.

O`ZBEKISTON MATBUOT  
VA AXBOROT AGENTLIGI



PRESS AND INFORMATION  
AGENCY OF UZBEKISTAN

Matbaa korxonasining ro`yxatga olinganlik  
haqidagi

## GUVOHNOMA

Mazkur guvohnoma “GRAFIMEX”  
(matbaa korxonasining muassisi)

**хусусий корхонасининг**

ro`yxatga olingan матбаа бўлими  
(matbaa korxonasining nomi)

Manzil: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц-мавзе, Чўпон-ота кўчаси, 6Б-уй.

5 (беш) yil muddatga berildi

Ro`yxatga olingan sana 2018 yil “16” **февраль**

Reestr №10-3868

Faoliyat turi:

Матн териш, оригинал-макет тайёрлаш, матбаа дизайни, саҳифалаш, визитка, таклифнома, буклет, брошюра, журнал календарь, автореферат, плакат, этикетка, ёрлик, канцелярия ва бланк маҳсулотлари, кадоклаш қутилари, қоғоз кесиш, муқовалаш.

Бош директор

Л.Тангриев



**“TASDIQLAYMAN”**  
Atrof-muhit va tabiatni  
muhofaza qilish texnologiyalari  
ilmiy-tadqiqot  
instituti direktori v.v.b.



S.Buriyev

2022 yil “21” iyun

**Atrof-muhit va tabiatni muhofaza qilish texnologiyalari ilmiy-tadqiqot  
institutining tanlov hay'ati yig'ilishi**

**Bayoni № 2**

2022 yil 21 iyun

Toshkent shahri

**Raislik qiluvchi:** Aminov X.X.

**Hay'at kotibi:** Atajanova D.A.

**Hay'at komissiyasi  
a'zolari:**

Urinova A.A.

Madrimov R.M.

Kamilov S.H.E.

**KUN TARTIBI:**

**Atrof-muhit va tabiatni muhofaza qilish texnologiyalari ilmiy-tadqiqot institutining Davlat Xaridi bo'yicha komissiyasining 2022 yil 30 maydagi eng yaxshi taklifga qo'yilgan №22110012089869-sonli lot raqam bilan institut jurnalini chop etish to'g'risidagi hujjatlarni tayyorlash bo'yicha bayonnomani muhokama qilish to'g'risida yig'lish.**

**YIG'ILISH QAROR QILADI:**

1. Davlat xaridlarininig electron tizimga muhokama qilish uchun ikki ish kuni ichida tanlash ishtirokchilari tomonidan tanlov o'tkazish natijalari bo'yicha «Silver Star Print» MCHJ nomidan fuqaro Boltaboyev N.A.dan 2022 yil 31 may e'tiroz tushgan. Institut bosh yuristi F.Madiyev mobil telefoni orqali N. Boltaboyev suhbat o'tkazilgan va suhbat yuzasidan bayonnoma tuzilgan.


2. Atrof-muhit va tabiatni muhofaza qilish texnologiyalari ilmiy-tadqiqot institut direktor o'rinbosari, komissiya raisi (Aminov X.X.), bosh hisobchi (Muazzamova N.A.) va XK «GFAFIMEX» si bilan 14 996 000,00 (o'n to'rt million to'qqiz yuz to'qson olti ming) so'mga QQS bilan shartnoma tuzishga qaror qildi.

3. Atrof-muhit va tabiatni muhofaza qilish texnologiyalari ilmiy-tadqiqot institute Xarid komissiyasi kotibasi (Atajanova D.A.) muhokama natijalari to'g'risidagi axborot asosida Xarid komissiyasining tegishli majlis bayonnomasi hamda shartnoma imzolangan kundan boshlab uch ish kuni ichida Davlat xaridlarining electron tizimiga joylashtirsin.

4. Ushbu bayon qarori bajarilishini nazorat qilishni o'z zimnamda qoldiraman.

Komissiya  
raisi


Ilmiy ishlar bo'yicha  
direktor o'rinbosari



Aminov X.X.

Komissiya  
a'zosi


Bioxilmaxillini saqlash  
bo'limi boshlig'i



Urinova A.A.

Komissiya  
a'zosi


Ekologik  
me'yorlashtirish va  
ekologik  
normativlar loyihalarini  
ishlab  
chiqish bo'limi boshlig'i



Kamilov SH.E.

Komissiya  
kotibi


Yer va suv resurslarini  
muhofaza qilish  
laboratoriyasi katta  
ilmiy xodimi



Madrimov R.M.

Komissiya  
kotibi

Devonxona mudiri



Atajanova D.A.

**Фуқаро Болтабоев Нарзулла Асатиллаевичнинг мурожаати юзасидан  
Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси ҳузуридаги  
Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-  
тадқиқот институти бош юристконсулти Ф.Мадиев билан ўтказилган  
сухбат юзасидан**

### **БАЁННОМА**

Ушбу баённома фуқаро Болтабоев Нарзулла Асатиллаевичнинг “Etender.uzex.uz” платформаси орқали бўлиб ўтган онлайн савдо натижаларидан норози бўлиб ёзган мурожаати юзасидан Институтнинг биносидан бош юристконсулт Ф.Мадиевнинг тел рақами +998908052472 бўлган мобил телефони орқали фуқаро Н.Болтабоевнинг +998906113388 рақамли телефонига жорий йилнинг 8 июньда соат 15.00да кунғирок қилиниб фуқаро Н.Болтабоев билан ўтказилган сухбат натижасида бўйича тузилди.

Фуқаро Н.Болтабоев сухбат жараёнида “Etender.uzex.uz” платформаси орқали бўлиб ўтган онлайн савдо у голиб бўлмаганлигидан жahl устида мурожаат қилганлигини, “экологик хабарнома - экологический вестник” журнали чоп қилиш учун тақдим этилиши сўралаган хужжатларни тўлиқ жунатмаганлигини маълум қилиб, ушбу мурожаат юзасидан бирор бир кишига эътирози юклигини, ўзининг вақти бўлмаганлиги боис шахсан ўзининг иштироксиз мурожаатини ўрганилиши ва ушбу сухбат баённомаси орқали мурожаатини белгиланган тартибда ўрганиб чиқилиб жавоб хати берилишини баён қилди.


Ушбу баённома фуқаро Болтабоев Нарзулла Асатиллаевич билан олиб борилган сухбат унинг сўзидан тўлиқ ва тўғри ёзиб олинди.

**Бош юристконсулт**



**Ф.Мадиев**

**Илмий ишлар бўйича  
директор ўринбосари**



**Х.Аминов**

**Иқтисодчи**



**Э.Мусаева**